

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

“Иқтисодиёт” кафедраси мудири

доц. А.И.Рахматуллаев

“ 12 ” июнь 2012 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Иқтисодиёт” факультети декани

и.ф.д. А.Ф.Хуррамов

“ 14 ” июнь 2012 йил

“Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда ишлаб чиқариш  
харажатлари ва уларни камайтириш йўллари”

(Қашқадарё вилояти мисолида)

мавзусидаги

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт” таълим  
йўналиши битирувчиси IV курс И-41  
гуруҳ талабаси \_\_\_\_\_ Бўриева  
Зухра Тўрахоновна

ИЛМИЙ РАҲБАР:  
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти,  
и.ф.н. \_\_\_\_\_ Файзиева Ш.Ш.

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди  
\_\_1\_\_ сонли баённома “ \_\_16\_\_ ” \_\_\_\_\_ июнь \_\_\_\_\_ 2012 йил

ҚАРШИ – 2012 йил

Кириш

**I – боб. Республикамиз қишлоқ хўжалигини модернизациялашда ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни камайтиришнинг самарадорликда тугган ўрни**

1.1. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тушунча, уларнинг турлари ва аҳамияти.

1.2. Ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархи тушунчаси, уларни камайтириш йўллари ҳамда ҳисоблаш тартиби

**II – боб. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларининг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили.**

2.1. Вилоят қишлоқ хўжалигининг табиий- иқтисодий тавсифи, жойлашуви, ер фонди ва ихтисослашуви

2.2. Вилоят қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи динамикасининг ҳолати.

2.3. Вилоят қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархининг таркиби ва унга таъсир этувчи асосий омиллар таҳлили.

**III-боб. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни камайтиришнинг асосий йўналишлари**

3.1. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг таннархни камайтиришда тугган ўрни

3.2. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификациялашнинг харажатларни камайтириш ва инқирозни бартараф этишга таъсири.

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда маҳсулот сифати ва тежамкорликни ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни камайтиришдаги аҳамияти.

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш масаласи суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Амалга оширилган мана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда деҳқон хўжалиқларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда”<sup>1</sup>.

Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи, баҳоси, фойда категориялари ўртасидаги ички зиддиятлар ривожлантиришининг ҳаракати сифатида қараладиган бўлса, уларнинг ечимини топиш аниқ масала сифатида иқтисодиёт фанида долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнатқашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011 йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир. Президентимиз таъкидлаганидек: “Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.”<sup>2</sup>

Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида соҳаларида кўтариладиган муаммолар ва ушбу соҳани барқарор ривожлантириш бўйича асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг мақсади.** Қишлоқ хўжалигида турли хилдаги харажатларнинг объектив зарурлигини асослаш, харажатларнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини ўрганиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг харажатларини барча турлари бўйича даражасини, тармоқда етиштирилаётган маҳсулотларнинг ўртача харажатлари, яъни таннархини, ўртача харажатга таъсир этувчи омилларни, харажат турларининг маҳсулот таннархидаги салмоғини ва қишлоқ хўжалигида харажатларни тежаш йўлларини ўрганишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг вазифалари.** Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- қишлоқ хўжалигидаги харажатлар уларнинг аҳамиятини ечиб бориш;
- харажатлар таркиби уларнинг туркумлаштиришини асослаш;
- асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи даражаси ва динамикасини таҳлил қилиш;
- қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг маҳсулот харажатларини қисқартиришга таъсири йўлларини ишлаб чиқиш;
- истиқболда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини пасайтириш йўлларини таҳлил қилиш;

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. /“Туркистон” газетаси // 2011 йил 22-январ

<sup>2</sup> Каримов И.А. “2012 йил – ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. /“Халқ сўзи” газетаси // 2012 йил 21 январ

- қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг оширишини асослаш;
- қишлоқ хўжалигида харажатларни камайтириш бўйича хулоса беришдан иборатдир.

**Битирув малакавий ишининг объекти.** Битирув малакавий ишининг объекти сифатида Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси танланган ҳамда вилоятнинг 2009-2011 йиллардаги барча иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти.** Республикамиз аграр мамлакат ҳисобланганлиги учун халқ хўжалигининг барча тармоқлари ривожланишида қишлоқ хўжалигининг алоҳида ўрни бор. Агросанат мажмуи кўп қиррали соҳа ҳисобланиб унинг ривожланиши ҳозирги кунда энг долзарб масалалар ҳисобланади. Мавзунинг илмий салоҳияти, янгилиги ишлаб чиқиладиган таклиф ва тавсияларни кетма-кетлиги, қўйилган масалаларнинг таркиби ҳамда уларнинг ечилишида методологик ёндашилиш билан асосланган. БМИнинг бажарилиши натижасида олинган ҳар бир натижа истиқболда қишлоқ хўжалигини модернизациялашда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўллари аниқлаш, кўпроқ фойда олишга эришишни ошириш, мамлакатимизда бўлаётган иқтисодий ўзгаришлар жараёнидаги натижалардан кенг фойдаланишга имконият яратилади. Натижада республикамиз қишлоқ хўжалигининг янада ривожланишига эришилади ва қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи субъектларнинг натижалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш турларининг кўпайишига имконият яратилади.

**Битирув малакавий ишнинг таркиби ва ҳажми.** Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Барча маълумотлар 110 бет, 10 та жадвал ва 5 иловаларда ўз ифодасини топган.

**Кириш қисмида** танланган мавзунинг долзарблиги вазифалари, объекти, предмети, назарий ва услубий асослари, илмий ва амалий аҳамияти ҳамда бошқалар баён этилган.

**Биринчи бобда** республикамиз қишлоқ хўжалигини модернизациялашда ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни камайтиришнинг самарадорликда тутган ўрни ва уларнинг назарий асослари ёритилган. Шунингдек, ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархи тушунчаси, уларни камайтириш йўллари ҳамда ҳисоблаш тартиби тўғрисида батафсил фикрлар берилган

**Иккинчи бобда** Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларининг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили, вилоят қишлоқ хўжалигининг табиий- иқтисодий тавсифи, жойлашуви, ер фонди ва ихтисослашуви, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи динамикасининг ҳолати, таннархнинг таркиби ва унга таъсир этувчи асосий омиллар ўрганилган ва таҳлил қилинган.

**Битирув малакавий ишининг учинчи бобда** қишлоқ хўжалигини модернизациялашда ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни камайтиришнинг асосий йўналишлари келтирилган бўлиб, инқирозга қарши чоралар дастури доирасида маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг таннархни камайтиришда тутган ўрни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификациялашнинг харажатларни камайтириш ва инқирозни бартараф этишга таъсири ҳамда қишлоқ хўжалигини модернизациялашда маҳсулот сифати ва тежамкорликни ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни камайтиришдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

**Хулоса қисмида** эса битирув малакавий ишининг ёритилиш жараёнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалигини модернизациялашда ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни камайтириш йўллари доир хулоса ва тавсиялар берилган.

# I-БОБ. РЕСПУБЛИКАМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИҚДА ТУТГАН ЎРНИ

## 1.1. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тушунча, уларнинг турлари ва аҳамияти

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз халқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи, унинг серқирра фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун маълум миқдорлар моддий, пул ҳамда меҳнат сарф-харажатлари амалга оширилади. Уларнинг мамлакат миқёсидаги миқдори жами ижтимоий харажатлар деб аталади. Ижтимоий харажатлар ижтимоий маҳсулот қиймати билан тенгдир. Уларнинг таркиби қуйидагилардан ташкил топади:

Ишлаб чиқариш воситаларида буюмлашган харажатлар. Улар ўтган давр харажатлари бўлиб,  $C$  ҳарфи билан белгиланади.

Жонли меҳнат харажатлари. Улар ўзи учун янги қийматни яратади,  $V$  ҳарфи билан белгиланади.

Буюмлашган ва жонли меҳнат уйғунлашиши натижасида жамият учун кўшимча қиймат яратилади.  $U$   $m$  ҳарфи билан белгиланган.

Ижтимоий харажатлар, яъни ялпи ижтимоий маҳсулот қийматининг умумий кўриниши қуйидагича:  $C + V + m$

Мамлакатнинг жами ижтимоий харажатлари—давлат ҳамда тармоқлар, корхона ва ташкилотлар миқёсидаги барча харажатларнинг йиғиндисидир.

Тармоқнинг ижтимоий харажатлари—индивидуал корхоналарнинг, ташкилотларнинг харажатлари йиғиндисидир. Шундай тармоқлардан энг муҳими, қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалик корхоналари турли хилдаги талабларни қондириш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматларни бажариш учун моддий, пул ва меҳнат харажатларини амалга оширадilar. Юқорида қайд этганимиздек, корхона миқёсидаги моддий ва буюмлашган харажатлар  $C$  ҳарфи билан, меҳнат харажатлари, иш ҳақи шаклида бўлиб,  $V$  ҳарфи билан белгиланади. Корхоналар харажатларининг умумий кўриниши қуйидагича:  $C + V$ . Бу умумий харажат ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари турли хилдаги маҳсулотларни етиштириш, хизмат ва ишларни бажариш учун моддий ва буюмлашган қуйидаги харажатларни амалга оширадilar: уруғлик, кўчат, минерал, маҳаллий ўғитлар, кимёвий воситалар, ёқилғи, ёғловчи материаллар, озуқа ва ем-хашаклар, асосий воситаларнинг эскириш қиймати, ишчи хизматчиларнинг меҳнатларига тўланган ҳақлар, солиқлар, кредитлар учун тўловлар, маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, кам қийматли, тез эскирувчан материаллар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқда амалга ошириладиган харажатларнинг янги тартиби 1995 йил 1 январдан бошлаб жорий этилган. У «Маҳсулот ишлаб чиқариш (иш, хизмат) ва сотиш таннархларига кўшиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»да (Тошкент, 1999 й.) ўз ифожасини топган. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган харажатлар ўзгарувчан ҳамда доимий харажатлардан ташкил топади. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми, иш миқдорининг ўзгариши билан узвий боғланган бўлади. Доимий харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ эмас. Маҳсулот ҳажми кўпайиши ёки камайиши билан доимий харажатлар қиймати ўзгармайди. Масалан, ер учун айрим асосий воситаларга тўланадиган ижара ҳақи, айрим асосий воситаларнинг эскириш суммаси (амортизация суммаси) тўловлари ва бошқалар доимий харажатлар таркибига киради. Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорининг кўпайиши ўзгарувчан

харажатлар кўпроқ сарфланишини тақозо этади. Уларга уруғликлар, кўчатлар, минерал ва маҳаллий ўғитлар, озуқалар, ем-хашак, меҳнатга тўланадиган иш ҳақи, электроэнергия харажатлари ва бошқа харажатлар киради.

Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши янги техникаларни, самарали технологияларни жорий этиш, сермахсул чорва ҳайвонларини яратиш, шакллантириш ҳамда илғор тажрибаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида моддий маблағ ва меҳнат сарфларини амалга оширишда уларнинг ўриндошлигини ҳамда ҳар бир сарфланаётган қўшимча харажатни тежаш, қолаверса, ортиқча сарф-харажатлар қилмасликни талаб этади. Хўжаликларда амалга оширилаётган харажатлар маълум мақсадни ҳал этишга қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда улар қуйидагича гуруҳлаштирилган:

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари (иш ҳақи);
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар

Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда давр харажатларига киритилмайдиган харажатлар:

- а) маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- б) корхонани бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);
- в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича ҳисобга олинмайдиган харажатлар.

Фавқулодда зарарлар, даромад (фойда)дан олинмайдиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган харажатларни имконият доирасида тежашга ҳаракат қилиш зарур. Бунинг учун фан, техника ютуқларини, янги технологияларни, илғор тажрибаларни имконият доирасида ишлаб чиқаришга татбиқ этиш лозим. Харажатларнинг тежалиши бошқа ишлар бажарилишини ҳамда олинмайдиган фойда суммаси ошишини таъминлайди. Натижада хўжаликнинг рентабеллик даражаси ортади. Фойда суммасининг ошиши хўжаликни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш учун имконият яратади.

Шунинг учун ҳам бу масалага республикамиз ҳукумати, хўжаликларнинг барча ходимлари доимо катта эътибор бермоқдалар.

## **1.2. Ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх тушунчаси, уларни камайтириш йўллари ҳамда ҳисоблаш тартиби**

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқлар, корхоналар миқёсида умумий қиймат кўрсаткичлари билан биргаликда ўртача харажатлар, яъни таннарх кўрсаткичи ҳам фаолият кўрсатиши тақозо этилади. Таннарх бозор иқтисоди шароитида иқтисодий категория ҳисобланади. Унинг ёрдамида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг бир бирлиги хўжаликлар учун қанча сўмга тушганлиги аниқланади. Уларнинг даражаси қийматни ифодаловчи баҳолар даражаси билан таққосланиши натижасида олинмайдиган фойда ёки кўриладиган зарарлар даражаси аниқланади. Бу кўрсаткич хўжаликларнинг ички бошқарувчилари учун жуда муҳимдир.


Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган асосий, қўшимча ҳамда ёрдамчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархлари қуйидаги усулларда ҳисобланади:

Масалан, дончиликда қўшимча маҳсулотлар белгиланган коэффицентлар ёрдамида асосий маҳсулотларга айлантирилади. Уларни асосий маҳсулотларнинг миқдорига қўшиб, жами ялпи дон маҳсулотининг шартли миқдори аниқланади. Шартли маҳсулот таркибидаги


асосий ҳамда ёрдамчи маҳсулотларнинг шартли миқдори салмоғи аниқланади. Шундан сўнг жами ишлаб чиқариш харажатларидан шартли маҳсулот салмоғига мутаносиб равишдаги салмоғи ҳисобланиб, уларнинг умумий суммаси аниқланади. Шу аниқланган сумма асосий маҳсулот миқдорига тақсимланиб, асосий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари аниқланади. Шартли ёрдамчи маҳсулот ҳиссасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатларини ёрдамчи маҳсулотнинг ҳақиқий миқдорига тақсимлаб, ёрдамчи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари аниқланади.

Маҳсулот таннарини ҳисоблашнинг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ўзини оқлаган «Директ-костинг» тизимини Республикамиз қишлоқ хўжалигида ҳам жорий этиш йўли танланган.

«Директ-костинг» тизимининг моҳияти шундан иборатки, бунда жами харажатлар доимий ва ўзгарувчан қисмларга ажратилади ва маржинал даромад миқдори аниқланади. Ушбу тизимда маҳсулотлар таннари фақатгина тўғри (ўзгарувчан) харажатлар чегарасида аниқланади. Маҳсулотларни сотишдан келган пул тушуми билан уларнинг харажатлар бўйича таннарини таққослаш натижасида хўжаликнинг маржинал даромадини аниқлаш мумкин. Маржинал даромаддан доимий харажатларни айириш орқали хўжалик маҳсулот сотиш натижасида олган соф фойда аниқланади. Ушбу услубнинг моҳияти 1.2.1 ва 1.2.2 - расмларда ифодаланган.



1.2.1 – расм. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархи объектлари



### 1.2.2 – расм. Харажатларни тақсимлаш усуллари

Маржинал-костинг услубини республикамиз қишлоқ хўжалигига жорий этиш натижасида етиштирилаётган маҳсулотларнинг реал, аниқ ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш имкони пайдо бўлди. Бу молиявий ҳисоб учун жуда зарурдир. Лекин бошқарув ҳисоби учун бу услубнинг маълумотлари етарли эмас. Чунки бошқарув ҳисоби учун фақатгина ишлаб чиқариш таннархи эмас, балки тўлиқ танарх кўрсаткичи ҳам зарур. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида харажатларни янада чуқурроқ тадқиқ этиш учун уларнинг бошқариш самарадорлигини оширишда абзорбшн-костинг услубини қўллаш мақсадга мувофиқди. Ушбу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда барча харажатлар маҳсулотнинг тўлиқ таннархини шакллантиради. Маҳсулот харажатлари ва таннархини ўрганиш бошқарув ҳисобининг муҳим бўлимларидан биридир.

Меҳнат ва моддий кўринишидаги тўғри харажатлар бевосита аниқ бир маҳсулот ёки хизмат турига оид бўлиши, умумишлабчиқариш харажатлари маҳсулот турига қараб фақат махсус усуллар ёрдамида тақсимланиши мумкин.

Харажатларни тақсимлаш - қилинган харажатларнинг аниқ бир харажат объектига бориш жараёнидир.

Харажатлар объекти – ташкилий бўлинма, шартнома ёки бошқа ҳисоб бирлиги бўлиб, у бўйича харажатлар ҳақидаги маълумотлар йиғилади ва жараёнлар, маҳсулот, шу капитални қўйиш лойиҳаси ва ҳоказолар қиймати ўлчанади.

Харажатларни тақсимлашнинг муҳим категорияси бўлиб, харажатлар маркази ҳисобланишини яна бир бор таъкидламоқчимиз.

Харажатлар маркази – ташкилий бирлик ёки фаолият соҳали бўлиб, у ерда активлар хариди учун қилинган чиқимлар ва харажатлар ҳақида ахборот тўплаш мақсадга мувофиқдир.

Барча харажат гуруҳлари бошқарув ечимларини қабул қилишга мўлжалланган. Бошқарув ҳисобида харажатлар икки асосий объект гуруҳлари бўлинмалар ва маҳсулотлар бўйича тақсимланиши керак. Ушбу жараён икки босқичда амалга оширилади:

- харажатлар жавобгарлик марказлари бўйича тўпланади;
- харажатлар муайян бригадада етиштирилаётган аниқ маҳсулот таннархига тақсимланади.

Тайёр маҳсулот таннархини ҳисоблашда қуйидаги усулларга мурожаат қилишади: ҳамма харажатларни ҳисобга олган ҳолда харажатларни калькуляция қилиш ёки уларнинг бир қисми бўлган ўзгарувчан харажатларнигина ҳисобга олиб, калькуляция қилиш мумкин.

Маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатлари ортиши ёки пасайиши мумкин. Бу бир текис, жадал ёки регрессив тарзда юз берилди. Шу сабабли, ўзгарувчан ишлаб чиқариш ҳажмида харажатларнинг учта гуруҳи фарқланади.

Бир текис харажатлар – ишлаб чиқариш кенгайтирилганда даромаднинг ҳар бир қўшимча бирлиги қўшимча харажатларнинг тенг миқдордаги сонини келтириб чиқаради. Масалан, ижара тўлови 1 т донга, картошкага тўланганда 1 т донни қуритишга кетган харажатлигича қолади, бунда қўшимча маҳсулот қўшимча майдонни ижарага олиш ҳисобига етиштирилади.

Ўсиб борувчи (прогрессив) харажатлар. Ишлаб чиқариш кенгайиши билан етиштирилган ҳар бир қўшимча маҳсулот бирлигига сарфланган харажат ҳам ортиб боради. Масалан, 1 га ердан олинган ҳар бир қўшимча центнер қишлоқ хўжалик маҳсулотига сарфланган ўғит харажати ортиради. Концентрасияланган озукка харажат ҳар бир сигирдан қўшимча олинган қўшимча 1 кг сут ёки бўрдоқига боқилаётган қорамолни боқиш якунига етгандан кейинги унинг тирик массасига қўшилган қўшимча, ҳар бир кг. ҳисобига ортиб боради.

Камайиб борувчи (регрессив) харажатлар. Ишлаб чиқариш кенгайиши билан маҳсулот бирлигига харажат камайиб боради. Масалан, 1 га ҳисобига техникага қилинган доимий харажат, йиллик иш ҳажми ўсганда камайди, соғиш ортганда 1 кг сутга сарфланган озукани қўллаб турувчи харажат қисқаради.

Пул шаклида ифодаланган корхона харажати ўзида маҳсулот таннархини акс эттиради.

Харажат элементлари, деганда иқтисодий мазмун-моҳиятига кўра бир хилдаги харажатлар тушунилади.

Маҳсулот таннархини пайдо қилувчи ҳамма харажатлар қуйидаги элементларига кўра гуруҳланадилар:

- моддий;
- меҳнатга ҳақ тўлаш;
- ижтимоий эҳтиёжларга чегирма;
- асосий фондлар амортизацияси;
- ва бошқалар.

“Моддий харажатлар” элементида хусусий ишлаб чиқариш ва сотиб олинганларга: уруғлик ва экиш материаллари, минерал ўғитлар, маҳаллий ўғит, нефть маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар, ўсимликлар ва ҳайвонларни ҳимоялаш воситалари, ишлаб чиқариш характеридаги ишлар ва хизматлар харажатлари, маҳсулотларни сақлаш ва транспортга юклашда табиий норма чегарасидаги йўқотишлар ва бошқа харажатлар акс этади.

“Меҳнатга ҳақ тўлаш” элементи бўйича мос келувчи харажатларга ишлаб чиқариш натижаларига мукофотлар, қонунчиликда кўзда тутилган норма доирасида рағбатлантирувчи ва товон шаклидаги тўловлар, ишчиларга натурал тўлов шаклида бериладиган маҳсулот қиймати, ишга келинмаган вақтларга тўлов (таътилларга, штат қисқарганда, мажбурий прогулларга ва б.), меҳнатга ҳақ тўлаш фондида белгиланган тартибга мувофиқ тўланадиган харажатлар киради.

“Ижтимоий эҳтиёжларга чегирма” элементи бўйича давлат ижтимоий суғурта органлари, пенсия жамғармаси, давлат бандлик жамғармаси ва тиббий суғурталарга давлат қонунчилигида ўрнатилган норма бўйича ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўловлардан чегирма қилинади.

“Асосий фондлар амортизацияси” элементи бўйича қонунчиликка мос равишда асосий ишлаб чиқариш фондларини тўлиқ тиклаш учун ажратилган амортизация ажратмалари суммаси акс эттирилади.

“Бошқа харажатлар” элементи таркибига давлат қонунчилигида ўрнатилган тартибга мувофиқ маҳсулот таннархига солиқлар, суғурта фондларига ва бошқаларга ажратмалар: олинган кредитлар ва бошқа қарз маблағларнинг фоизларига тўловлар, хизмат сафари харажатлари, алоқа хизмати ва бошқаларга тўловлар киради.

Харажатларни элементлар бўйича гуруҳлаш улардан фойдаланишнинг аниқ йўналишини аниқлаш (ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи асосий фаолият) ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини етарлича тўлиқ таҳлил қилиш имконини бермайди.

У ёки бу маҳсулотни (ишни, хизматни) ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни ҳисоблаш учун улар моддалар бўйича гуруҳланади. Бу харажатлар мазмунини таҳлил қила олиш ва уларни ҳисоб объектлари бўйича тўғри тақсимлаш имконини беради.

Харажат моддалари, дейилганда бир ёки бир неча элементларни қамраб олган харажатлар тушунилади. Моддалар бўйича харажатларни гуруҳлаш алоҳида элементлар ёки уларнинг мажмуалари бўйича амалга оширилади.

Таннархга кирувчи харажатлар куйидаги моддалар бўйича гуруҳланади:

I. Харажатлар

Ўсимликчилик:

А) Ижтимоий эҳтиёжларга чегирмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш

Уруғлик ва экиш материаллари

Минерал ва органик ўғитлар

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари

Ишлар ва хизматлар

Асосий воситаларни сақлаш (нефть маҳсулотлари, амортизация, жорий таъмир)

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш

Кредитлар бўйича тўловлар

Бошқалар

II. Чорвачилик

Б) Ижтимоий эҳтиёжларга чегирмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш

Ҳайвонларни ҳимоялаш воситалари

Озуқа

Ишлар ва хизматлар

Асосий воситаларни сақлаш (нефть маҳсулотлари, амортизация, жорий таъмир)

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш

Кредитлар бўйича тўловлар

Ҳайвонларга дори-дармонлар

Бошқалар

III. Ёрдамчи ишлаб чиқариш

В) Ижтимоий эҳтиёжларга чегирмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш

Ишлар ва хизматлар

Асосий воситаларни сақлаш (нефть маҳсулотлари, амортизация, жорий таъмир)

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш

Кредитлар бўйича тўловлар

Бошқалар

IV. Ёрдамчи саноат бўлинмалари

Г) Ижтимоий эҳтиёжларга чегирмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш

Ишлар ва хизматлар

Асосий воситаларни сақлаш (нефть маҳсулотлари, амортизация, жорий таъмир)

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш

Кредитлар бўйича тўловлар

Бошқалар

“Ижтимоий чегирмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш” моддасида ҳақиқий бажарилган ишларга тўланган асосий ва қўшимча иш ҳақи, ишчиларга натурал қиймати, рағбатлантирувчи характердаги тўловлар, иш тартиби ва шароити билан боғлиқ ҳолдаги товон тўловлари, амалдаги қонунчиликка асосан навбатдаги ва қўшимча таътиллارга тўловлар (фойдаланилмаган таътиллар учун компенсациялар), меҳнатга ҳақ тўлаш фондида белгиланган тартибга мос ҳолдаги бошқа турдаги тўловлар киради.

Шу модданинг ўзида ижтимоий эҳтиёжларга мажбурий чегирмалар – ижтимоий суғуртага, Пенсия жамғармаси, Давлат бандлик фонди ва тиббий суғурталарга ажратмалар ҳам қонунчиликда белгиланган нормаларда акс этади.

“Уруғлик ва экиш материаллари” моддаси уруғлик ўзи ишлаб чиққан ва сотиб олинган мос келувчи экинларни экиш учун сотиб олинадиган экиш материаллари ва кўчатлар (кўп йиллик ёш кўчатлардан, капитал жамғармалар ҳисобидан боғ яратиш

кабилардан ташқари); уруғлик ва экишга уруғликка харажатлар (зараркунандаларни захарлаш, юк ортиш)ни ўз ичига олади.

“Минерал ва органик ўғитлар” моддаси қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ерга солинадиган ўғитлар шу жумладан, саноат йўли билан ишлаб чиқариладиган микроўғитлар, бактериал шунингдек, органик ўғитлар (гўнг, компост) га харажатлар киради.

“Ўсимликларни ва ҳайвонларни ҳимоялаш” моддасига пеститсидлар, захарловчи моддалар, гербитсидлар, дифалиантлар ва бошқа кимёвий ҳамда биологик моддаларни-бегона ўтлар, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари ва касалликларига қарши ишлатиладиган воситаларни сотиб олиш харажатлари; фойдаланиладиган биопрепаратлар, медикаментлар ва дезинфекцияловчи воситалар баҳоси ва уларда чорвачиликда фойдаланиш билан боғлиқ чиқимлар киради.

“Озуқалар” моддасида ўзлари етиштирган ва сотиб олинган озуқаларга қилинган харажатлар, озуқа цехларида озуқа тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар акс этади.

“Қайта ишлаш учун хом-ашёлар” моддасига тайёрланадиган маҳсулотнинг асосини ташкил этувчи ёки уни тайёрлаш учун зарур таркибий қисм бўлган хом-ашё сотиб олишга қилинган харажатлар: комбикорма ишлаб чиқаришда-бу дон, аралаш донлар, ўт (кўчат)дан тайёрланган ун, озуқа хамиртуриши, суяк ва балиқ уни ва бошқа компонентлардан иборат; сут маҳсулотлари тайёрлашда – сутнинг нархи, сут маҳсулотлари, шакар, валинин ва бошқаларнинг баҳоси киради.

“Ишлар ва хизматлар” моддаси бўйича ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ва ташқаридаги ташкилотларнинг ишлаб чиқариш характеридаги хизматларини қоплаш учун ўз ташкилотининг ёрдамчи ишлаб чиқаришидаги ишларга ва хизматларга сарфланган харажатлар акс этади. Қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг ёрдамчи ишлаб чиқаришига қуйидагилар киради: автомобиль юк ташиш транспорти, от-арава, ташкилот тракторлари билан бажариладиган ишлар, ишлаб чиқариш ва хизматни, электр, иссиқлик, газ ва сув билан таъминлаш, қурилмаларини таъмирлаш устахоналарини (агар у ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришига ажратилмаган бўлса) ҳам юқоридагилар билан таъминлаш.

“Асосий воситаларни сақлаш” моддасига бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар: асосий воситаларга хизмат кўрсатадиган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларида банд бўлган тракторчи- машинистлардан ташқари) ёқилғи ва мойлаш материалларига қилинган сарфлар; асосий ишлаб чиқариш фондларини тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари (эскириш); таъмирлашнинг ҳамма турига ва асосий воситаларга техник хизмат кўрсатиш учун қилинган харажалар ва бошқалар киради.

“Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш” моддаси бўйича умумишлаб чиқариш (бригадаларда, фермаларда, цехларда ва корхонанинг бошқа бўлинмаларида) ва умумхўжалик (корхона бўйича умуман ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ) харажатлари акс этади.

Умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларини ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари ва маҳсулот қийматини ҳисоблаб чиқиш объектлари (иш хизмат) орасида харажатларнинг умумий суммаси пропорционал тақсимланади (ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатларидан ташқари), бунда уруғлик, озуқа шунингдек, ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришида хом-ашё материаллар ва ярим фабрикатлар нархи истисно қилинади.

“Кредитлар бўйича тўловлар” моддаси бўйича банклардан олинган фоизлар тўлови (асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ ссудалар номоддий ва бошқа оборотлар, ташқари активлар истисно), етказиб берилган товар моддий бойликларга кечиктирилган тўловлар фоизлари, олинган қарз маблағлари бўйича харажатлар акс этади. Улар маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқаришга бевосита харажат тарзида пропорционал тақсимланади.

“Ҳайвонларга теккан офатлардан йўқотишлар” моддасига боқувда бўлган ёш ва катта чорва моллари, паррандалар, шунингдек, асалари оилалари (айбдор шахсларга тегишли ва

табий офатлар туфайли йўқотишлардан ташқари)нинг ҳалокати туфайли йўқотишлар киритилади.

“Бошқа харажатлар” моддасида маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ, лекин юқоридаги моддалардан бирортасига ҳам тегишли бўлмаган харажатлар; ер учун тўлов, махсус кийимлар ва оёқ кийимларнинг эскириши; ҳайвонларга тўшамаларга (сомон, похол) харажат; чорва молларини сунъий уруғлантириш учун харажатлар; фермани ўраб олиш учун; ёзги лагерь (яйлов)лар қуриш ва уларни сақлаш кабилар; янги ишлаб чиқариш объектларини эксплуатацияга киритишни ўзлаштириш билан боғлиқ ишга тушириш-созлаш ишлари (чорвачилик комплекслари, иссиқхона комбинатлари, парниклар, паррандачилик фабрикалари ва бошқалар).

Бошқа бевосита харажатлар мос келувчи қишлоқ хўжалик экинлари (экинлар гуруҳи) га, ҳайвонлар турларига, ёрдамчи саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва бошқаларга тегишли.


Тармоқлар ва маҳсулот турлари бўйича таннархлар таҳлил қилинганда алоҳида элементлар ва моддалар бўйича ҳақиқий харажатларнинг режадагидан ортиқ бўлиши сабаблари аниқланади. Таҳлил натижаларидан ишлаб чиқаришнинг келгусида иқтисодий самарадорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш чораларини (ишлаб чиқаришни режалаштиришда фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш шароитида таннархни режалаштиришда ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ортиши), технологияни, ҳайвонларнинг юқори маҳсулдор зотларини, қишлоқ хўжалик экинларининг гибрид ва навлари натижасида харажатлар қисқариши эҳтимолини ҳисобга олиш лозим.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик, чорвачилик ва ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ҳамма асосий турдаги маҳсулотлари таннархи аниқланади. Мос келувчи экин ва ҳайвон туридан олинган алоҳида турдаги маҳсулотларнинг таннархи ушбу турдаги (гуруҳ) экин ва ҳайвонларга қилинган харажатлардан келиб чиқиб, аниқланади.

## Харажатлар маҳсулот етиштириш муддатлари бўйича туркумлаштирилиши



**Қишлоқ хўжалигидаги харажатларни маҳсулот ишлаб  
чиқариш технологияси жараёнлари бўйича  
туркумлаштириш**



## **II – боб. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларининг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили**

### **2.1. Вилоят қишлоқ хўжалигининг табиий- иқтисодий тавсифи, жойлашуви, ер фонди ва ихтисослашуви**

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларининг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлилинини ўрганишимизда аввало, вилоятнинг иқтисодиёт бош бошқармасининг тарихи, қишлоқ хўжалигининг табиий- иқтисодий тавсифи, жойлашуви, ер фонди ва ихтисослашуви тўғрисидаги маълумотлар билан танишишимиз ўринлидир.

Қашқадарё вилояти 1943 йилда ташкил топган бўлиб, унинг умумий ер майдони 28,6 кв.км.дир ёки 2856799 гани ташкил этади. Вилоятнинг умумий чегара узунлиги 893,89 км бўлиб, Тожикистон Республикаси билан Шаҳрисабз тумани томонидан шарқдан 18,5 км, Китоб тумани томонидан эса шарқдан 41,47 км масофада чегарадош. Шунингдек, вилоят Туркменистон билан Жанубий-ғарб томонидан Дехқонобод тумани орқали 75,9 км, Ғузур тумани билан 22,2 км, Нишон тумани билан 75,74 км ва Миришкор тумани томонидан 79,48 км масофада чегарадошдир. Кўшни вилоятлар билан шимолдан 276 км масофада Самарқанд вилояти билан, жанубий-шарқдан 193,8 км.да Сурхандарё вилояти билан, шимолий-ғарбдан 98,3 км масофада Бухоро вилояти билан ва шимолдан 12,5 кмда Навоий вилояти билан чегарадош.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги 37-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тўғрисидаги НИЗОМи қабул қилинди. Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлигини қайта этиш тўғрисида”ги 2002 йил 24 декабрдаги ПФ-3183-сонли Фармонига мувофиқ ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тўғрисидаги Низомига мувофиқ ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятига Вазир раҳбарлик қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва функцияларнинг амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради. Иқтисодиёт вазирлигида 9 кишидан иборат Ҳайъати тузилган, унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат ўзининг мунтазам ўтказиб туриладиган мажлисларида мамлакатни, тармоқларни ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини, прогнозлаш методологиясини ва уни ташкил этишни яхшилаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқади.

Вазир ўринбосарлари Бош бошқарма бошлиқлари раҳбарлик қиладиган бош бошқармалар, бўлимлар, гуруҳлар иқтисодиёт вазирлигининг

асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади. Вилоятлардаги Иқтисодиёт бош бошқармалари Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 9 февралдаги 58-сон Қарори билан ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

Қашқадарё вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси вилоятнинг Қарши шаҳри ҳокимият биноси олдида жойлашган бўлиб, бошқармада 11 та бўлим бўлиб, бошлиқнинг биринчи ўринбосарига вилоятни комплекс ривожлантириш прогнозлари ва мониторинги йиғма бўлими, агросаноат комплексини ривожлантириш бўлими, саноат, коммуникация тизимларини ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўлимлари қарашлидир. Бошлиқ ўринбосари эса аҳоли турмуш даражаси ва истеъмол бозорлари бўлими, инвестициялар ва инвестиция дастурлари бўлими, уй-жой коммунал хўжалиги бўлими ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш прогнозлари ва мониторинги бўлимларига раҳбарлик қилади. Шунингдек, бошқармада кадрлар ва махсус ишлар бўлими, бухгалтерия ва концелярия бўлимлари ҳам фаолият кўрсатади.

Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармасининг тузилмавий схемаси қуйидаги расмда келтирилган.

Биз қуйидаги жадвал орқали Қашқадарё вилоятининг умумий ер фонди ва унинг тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар билан танишиб чиқамиз.

## 2.1. 1-жадвал

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ( ҚАРШИ ШАХРИ) УМУМИЙ ЕР ФОНДИ ВА УНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ  
ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР**

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йил	2010 йил 9 ойлик
	Шаҳарнинг ташкил топган вақти (сана)		13.05.26 йил		
<b>1.Туман (шаҳар) нинг умумий ҳудуди ва ер майдони</b>					
1.1	<b>Шаҳарнинг умумий майдони</b>	<b>кв км.</b>	<b>0,1</b>	<b>0,1</b>	<b>0,1</b>
	шу жумладан	га	7551	7551	7551
	Чегаранинг умумий узунлиги	км			
	Шу жумладан бошқа ҳудудлар билан:				
	Косон туманидан	км			
	Карши туманидан	км			
	Чирокчи туманидан	км			
1.2	<b>Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар</b>	<b>га</b>	<b>1897</b>	<b>1897</b>	<b>1897</b>
	Тоғли ерлар	га	-	-	-
	Чўлли ҳудудлар	га	-	-	-
	Адирлар	га	-	-	-
	Тақир ерлар	га	-	-	-
	Яйловлар	га	1118	1118	1118
	Бошқа ерлар	га	779	779	779

<b>Хайдаладиган ерлар жами</b>	га	538	538	538
Суғориладиган ерлар	га	507	507	507
Лалмикор ерлар	га	31	31	31
Жами хайдаладиган ерлардан:	га	538	538	538
Шўрланган ерлар	га	-	-	-
<i>Шу жумладан</i>				
-Кучли шўрланган ерлар	га	-	-	-
-Ўрта шўрланган ерлар	га	-	-	-
-Кучсиз шўрланган ерлар	га	-	-	-
-Текширилмаган ерлар	га	-	-	-
Кўп йиллик дарахтзорлар	га	241	241	241
Шу жумладан мевали боғлар	га	66	66	66

## **2.2. Вилоят қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи динамикасининг ҳолати.**

Вилоят қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи динамикасининг ҳолатини таҳлил қилиш учун вилоят бўйича фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермер хўжаликларининг умумий сони, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш ўринли ҳисобланади. 2012 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1587,0 млрд. Сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,5 % га ошганлигини кўрамыз. Вилоят бўйича асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда гўшт етиштириш тирик вазнда 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 7,6 фоизга, сут етиштириш 9,7 фоизга, тухум етиштириш 14,2 фоизга ошганлигини кўрамыз. Шунингдек, ушбу кўрсаткични туманлар бўйича таққослайдиган бўлсак, гўшт етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткич Қарши тумани бўйича 15,1 фоизга ошганлиги билан тўғри келади. Сут етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткич Ғузор тумани бўйича 16,3 фоизга ошган. Тухум етиштириш эса Нишон туманида 2,3 мартага ошганлигини кўрамыз.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 2009 йил январ-декабрга нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 107,1 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 709733,8 млн.сўмни ёки 2009 йил январ-декабрга нисбатан 107,5 фоиз, чорвачилик маҳсулотлари-620067,1 млн. сўмни ёки 106,7 фоиз ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади.

Деҳқончилик тармоғи бўйича дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 492980 гектарни ташкил қилган.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 245720 гектар, пахта экин майдони 168196 гектар, картошка 6232 гектар, полиз экинлари 6335 гектар, сабзавот экинлари 14428 гектар майдонни ташкил қилди.

Ҳосил йиғими бўйича 2011 йил 1 январ ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 993702 тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,2 фоизга кўпайган, шундан 931971 тонна буғдой етиштирилган ёки 101,8 фоизга ошган.

Вилоятимизда 2010 йилда 168196 га майдона пахта экилди. 2011 йилнинг январ ҳолатига 434786 тонна пахта йиғиб олинди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 97740 тонна картошка кавлаб олинди 2009 йилга нисбатан 113,4 фоизга кўпайган. 321468 тонна сабзавот етиштирилган ёки 112,4 фоизга кўп йиғиб олинди, 86122 тонна полиз экинлари етиштирилган ёки 112,2 фоизни ташкил қилган. 73434 тонна мева ва резаворлар

етиштирилиб, бу 115,7 фоизга кўпайган. Шунингдек, узум 49787 тонна ёки 118,3 фоизга кўп етиштирилган.

Вилоят бўйича чорвачилик маҳсулотлари бўйича 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 1040353 бошга ёки 107,0 фоизга кўпайди. Шу жумладан сигирлар 418547 бошга ёки 106,8 фоизга ошган. Қўй ва эчкилар 3233219 бошга кўпайиб, 109,0 фоизга, паррандалар 2551452 бошга ёки 115,7 фоизга кўпайди.

2010 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 178732 тонна тирик вазнда гўшт ўтган йилга нисбатан 106,8 фоизга кўпайган, 657162 тонна сут етиштирилган бўлиб, 106,5 фоизга кўпайган. Шунингдек, 192627 минг дона тухум етиштирилди ёки бу 112,5 фоизга кўп демакдир. Жун етиштириш 5290 тоннани ташкил қилиб, бу 105,0 фоизга кўп, пилла 2808 тонна ёки 100,3 фоизга кўп етиштирилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлардан гўшт, сут, тухум ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келган бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 97,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 97,5 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 86,2 фоизни ташкил этди.

Вилоят бўйича 2012 йил бошида фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари 735580 гектарни ташкил этди. Ҳар бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони ўртача 103 гектарни ташкил қилган. Улардаги ишловчилар сони 108376 кишини ташкил қилади. 2011 йил якунига кўра вилоят бўйича 599 та фермер хўжаликлари фаолияти тугатилди.

Фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар бўйича 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига 859053 тонна бошокли дон, 27624 тонна картошка, 114994 тонна сабзавот, 43935 тонна полиз, 43269 тонна мева, 33266 тонна узум етиштирилди, бундан ташқари фермер хўжаликларида 44733 бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 14986 бош сигир, 106916 бош қўй ва эчкилар, 110,2 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2010 йилнинг 1 январига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 102,3 фоизга, қўй ва эчкилар 104,4 фоизга, паррандалар 132,3 фоизга кўпайди ва 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига фермер хўжаликларида 2250 тонна тирик вазнда гўшт, бу ўтган йилга нисбатан 108,2 фоизга кўпайган, сут етиштириш эса 12006 тоннани ташкил қилиб, 115,7 фоизга кўпайган. 3,0 минг дона тухум ёки 2,3 мартага кўпайган, 1262 центнер жун ёки 104,6 фоизга кўп етиштирилди.

Биз юқоридаги таҳлилларимиз тўғрисидаги маълумотлар билан қуйидаги жадваллар орқали танишиб чиқамиз.



## 2.2.1-жадвал

## 2012 йил 1 январ ҳолатига асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш

(барча тоифадаги хўжаликларда; тонна)

	Гўшт, тонна (тирик вазнда)	2010 й. январ- декабрига нисбатан фоизда	Сут, тонна	2010 й. январ- декабрига нисбатан фоизда	Тухум, минг дона	2010 й. январ- декабрига нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>192250</b>	<b>107,6</b>	<b>720612</b>	<b>109,7</b>	<b>220010</b>	<b>114,2</b>
шаҳарлар:						
Қарши	2650	104,1	6953	102,4	19890	153,5
туманлар:						
Ғузур	15337	109,7	51295	116,3	9091	113,8
Дехқонобод	16525	104,8	32885	110,6	7327	100,4
Қамаши	19241	106,2	60159	107,9	33765	102,0
Қарши	14000	115,1	50228	113,5	17600	130,5
Косон	17976	107,0	66081	110,1	30757	105,0
Китоб	13131	105,4	68116	105,1	7499	102,8
Миришкор	10806	109,9	37811	112,0	4619	107,2
Муборак	9540	109,8	33414	109,6	6716	104,9
Нишон	10652	106,4	29320	109,5	6532	2,3м
Касби	13436	108,6	68685	109,1	10175	103,8
Чироқчи	25115	105,3	97075	111,3	29466	106,5

Шахрисабз	11501	108,4	60203	109,0	25122	117,4
Яккабоғ	12340	106,9	58387	105,7	11451	129,5

## 2.2.2-жадвал

## 2012 йил 1 январ ҳолатига фермер хўжаликлари тўғрисида маълумот

	Фаолият кўрсатаётган хўжаликлар сони, бирлик	Бириктирилган ер майдони, га	Бир хўжаликка тўғри келадиган ер, га	Ишловчилар сони, киши	Фаолиятини тугатган хўжаликлар сони, бирлик
<b>Жами</b>	<b>7139</b>	<b>735580</b>	<b>103,0</b>	<b>108376</b>	<b>599</b>
шаҳарлар:					
Қарши	4	30	7,5	11	1
туманлар:					
Ғузор	383	52508	137,1	6460	2
Дехқонобод	222	26749	120,5	1040	-
Қамаши	601	78321	130,3	8972	4
Қарши	470	51241	109,0	7624	439
Косон	592	92232	155,8	13114	-
Китоб	821	34126	41,6	9236	5
Миришкор	755	89940	119,1	11003	72
Муборак	298	56055	188,1	5120	-
Нишон	638	66271	103,9	10418	4
Касби	510	44481	87,2	10610	60
Чироқчи	855	81410	95,2	9360	1
Шаҳрисабз	255	25480	99,9	5567	10
Яккабоғ	735	36736	50,0	9841	1

Давоми

	2011 йил январ-декабрида ишлаб чиқарилди					
	Гўшт, тирик вазнда		Сут		Тухум	
	тонна	2010 й. январ-декабрига нисбатан фоизда	тонна	2010 й. январ-декабрига нисбатан фоизда	минг дона	2010 й. январ-декабрига нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>2376</b>	<b>105,6</b>	<b>14074</b>	<b>117,2</b>	<b>5120</b>	<b>169,5</b>
шаҳарлар:						
Қарши	-	-	3	50,0	6	150,0
туманлар:						
Ўзур	189	120,4	1273	2,0 м	891	132,0
Дехқонобод	241	101,3	584	100,3	260	100,8
Қамаши	235	103,1	1821	103,0	840	103,1
Қарши	285	101,4	1900	112,3	255	151,8
Косон	141	106,8	688	103,6	98	102,1
Китоб	133	100,8	981	100,3	217	152,8
Миришкор	110	108,9	745	102,1	36	3,2 м
Муборак	87	102,4	441	102,6	225	103,7
Нишон	219	104,3	1542	175,4	-	-
Касби	200	111,1	880	122,2	500	111,1
Чироқчи	380	108,6	1600	114,3	36	-
Шаҳрисабз	104	101,0	1267	101,7	1518	189,7 м

Яккабоғ	52	102,0	349	115,2	238	136,0
---------	----	-------	-----	-------	-----	-------

## 2.2.3-жадвал

### 2012 йил 1 январ ҳолатига деҳқон хўжаликлари тўғрисида маълумот

	Деҳқон хўжаликлари сони, бирлик	улардан юридик шахс мақомини олганлари, бирлик	Бириктирилган ер майдони, га	Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида деҳқон хўжалиklarининг улуши, фоизда
<b>Жами</b>	<b>462420</b>	<b>27813</b>	<b>90299</b>	<b>63,4</b>
шаҳарлар:				
Қарши	47857	-	1678	77,7
туманлар:				
Ғузор	28559	2041	4488	68,3
Деҳқонобод	23891	2457	13864	96,6
Қамаши	38200	2046	6230	68,2
Қарши	30050	292	5696	60,5
Косон	46334	958	8723	55,8
Китоб	38500	4485	8026	66,2
Миришкор	19100	444	4449	46,2
Муборак	12990	242	2600	63,4
Нишон	20165	1740	2833	41,5
Касби	30266	1692	4950	52,4
Чироқчи	49970	5834	16300	82,6

Шахрисабз	36603	4241	4904	71,7
Яккабоғ	39935	1341	5558	58,5

### **2.3. Вилоят қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархининг таркиби ва унга таъсир этувчи асосий омиллар таҳлили**

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, иш ва хизматларни бажариш учун қилинаётган барча харажатлар иқтисодий мазмунга, мақсадга, ҳисобот объектига ҳамда шаклланиш манбаларига кўра, қуйидаги элементларга ва моддаларга гуруҳлаштирилган маҳсулот етиштириш, ишларни, хизматларни бажариш билан боғлиқ харажатлар ташкил қилади.

- давр харажатлари;
- молиявий фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- фавқулодда қилинадиган харажатлар(фойда, зарарлар).

Иқтисодий моҳиятига кўра, бир хил харажатлар харажат элементларини, бир нечта харажат элементлари харажат моддаларини ташкил этади. Демак, харажат моддалари таркиби харажат элементларига нисбатан кенгрокдир.

Қишлоқ хўжалигидаги харажатларнинг иқтисодий элементлар бўйича гуруҳлаштирилишидаги харажатлар таркиби меҳнат, материал ва пул харажатларидан иборат.

Меҳнат харажатлари асосан доимий ишчиларга меҳнат ҳақи тўлаш ҳамда четдан жалб қилинган ёлланма ишчиларга меҳнат ҳақи тўлашдан иборат.

Материал харажатлари эса уруғлик, кўчат, минерал ва органик ўғитлар, усимликларни ҳимоя қилиш учун кимёвий воситалар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, кам баҳоли, тез тузувчан буюмлар, бошқа материаллар харажатларидан ташкил топади.

Пул харажатлари эса ижтимоий суғурта, солиқлар ва қарзлар, банк кредитлари учун фоиз тўловлари, жарималар, ижара ҳақи, ер солиғи, трансакцион тўловлари, дивидент тўловлари ва бошқа пул харажатларидан иборат.

Амалга оширилаётган ва оширилиши лозим бўлган харажатларни иқтисодий элементлар бўйича гуруҳлаштириш натижасида меҳнат харажатлари учун берилган иш ҳақини ва унинг таркибини, сарфланган моддий ва материал харажатлари, турли мақсадларга сарфланган пул харажатларини объектлари бўйича умумий суммасини аниқлаб, уларни чуқур таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Сарфланаётган харажатларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг қанчаси маҳсулот етиштиришга оид технологик жараёнлар бўйича сарфланганлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундан мақсад – фан-техника, технология янгиликларини ишлаб чиқаришнинг у ёки бу жараёнига татбиқ этиш натижасида харажатларни тежаш имкониятини аниқлашдир. Шунинг учун ҳам харажатларни маҳсулот етиштириш технологик жараёнлари бўйича ҳам туркумлаштириш мумкин.

Харажатларни маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнлари бўйича қуйидаги 3 та гуруҳга ажратишимиз мумкин.

1. Экишгача бўлган даврдаги харажатлар.
2. Экиш ва ишлов бериш харажатлар
3. Ҳосилни йиғиб-териб олишдаги харажатлар.

Харажатларнинг бундай тартибда туркумлаштирилиши уларнинг ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш даврлари бўйича қилинадиган миқдорини, қийматини аниқлаш имкониятини яратади. Шунга асосланган ҳолда уларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш маблағлар билан таъминланиш масалалари ҳам ҳал этилишини тақозо қилади.

Қишлоқ хўжалигида харажатларни сарфлашдан яна бир мақсад–етиштирилаётган бир бирликдаги маҳсулот, бажарилаётган ишлар, хизматлар учун ўртача қанча харажат қилинганлигини ҳам аниқлашдир, яъни уларнинг таннархларини билишдир. Маҳсулот

(иш, хизмат) таннархи даражаси уларнинг фойдали ёки зарарлилиги бўйича аниқланади. Шунинг учун харажатлар ҳар бир таннарх объекти бўйича тўғри олиб борилишини таъминлаш лозим. Бунинг учун сарфланаётган харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш даврларига қараб қўшилиши бўйича туркумлаштирилади.

Бунда харажатларнинг маҳсулот етиштириш муддатлари бўйича харажатлари қуйидаги 3 та гуруҳга ажратилади.

1. Ҳисобот йили ҳосили учун қилинган олдинги йил харажатлари
2. Ҳисобот йили ҳосили учун амалга оширилган ҳисобот даври харажатлари
3. Келгуси йил ҳосили учун қилинган ҳисобот йили харажатлари

Қишлоқ хўжалигида харажат маҳсулот етиштириш жараёнида бевосита ҳамда билвосита сарфланадиган харажатларга ҳам туркумлаштирилади. Бевосита (тўғри) харажатлар маҳсулотларни етиштиришда бевосита қатнашади ва улар маҳсулот ҳажмига, сифатига тўғри таъсир кўрсатмайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда (ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда) бевосита қатнашадиган харажатларга қуйидагилар киритилмоқда:

1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар, улар иқтисодий мазмунига кўра, қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

### **1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар**

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуйидагилар тегишли:

- ◆ ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматларни кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган, четдан сотиб олинadиган хомашё ва материаллар;
- ◆ нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган, харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментар, мосламалар, инвентар, приборлар лаборатория асбоб-ускуналари ва асосий фондларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг эскириши, махсус кийим-бош ва арзонбаҳоли бошқа ашёларнинг эскириши;
- ◆ сотиб олинadиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектларида монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов берилadиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;
- ◆ ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган,

фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характериға эға бўлган ишлар ва хизматларға махсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хомашё ва материалларға ишлов бериш, истеъмол қилинаётган ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларға риоға этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади. Хўжалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, инструментлар, деталлар, товарлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан қуйи бўғинларға, яъни цехға ва тайёр махсулотни сақлаш учун омборға келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятиға эға бўлган хизматларға тегишли:

- ◆ табиий хомашё (ер рекултивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалға ошириладиган ерни рекултивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтға ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун ёғоч, тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланиш ҳукуқларининг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари;
- ◆ технологик мақсадларға энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришға, биноларни иситишға сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг траспорти томонидан бажариладиган, ишлаб чиқаришға хизмат кўрсатиш бўйичса траспорт ишлари;
- ◆ хўжалик юритувчи субъектнинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия (хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияға ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади);
- ◆ ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқотиш меъёрлари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроксизланиши ва кам чиқиши;
- ◆ хўжалик юритувчи субъектнинг траспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага киради) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатға ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар);
- ◆ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматиға киритилади;
- ◆ махсулот таннархига киритилладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати. Улар амалдаги сотилиши, фойдаланилиши ёки омборға кириш қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади;
- ◆ «моддий харажатлар» элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, бартер битишувларида, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, транспортда ташишға ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалға ошириладиган сақлаш ва етказиб беришға ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

## 2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади:

- хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкаларига ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган, амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган, ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;
- касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларига устамалар;
- иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар;
- технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;
- кун, сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;
- ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарлик, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар.
- алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль траспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақи, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган, қайтишгача тўланадиган, йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;
- қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;
- доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан, район коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;
- хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктидан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек, метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);
- иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан

бериладиган дам олиш (ортикча ишлаган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;

- ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йили) ва қўшимча таътиллер, навбатдаги (ҳар йили) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллер учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;
- мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда ҳақ тўлаш;
- донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;
- давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқаларда қатнашганлик учун) меҳнат ҳақи тўлаш;
- хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса, пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради;
- белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

### **3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар.**

Ижтимоий суғурта ажратмаларига қуйидагилар киради:

- ◆ қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар;
  - ◆ нодавлат пенсия жамғарларига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар;
  - ◆ асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш). лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар, қонун ҳужжатларида амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади, фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш меъёри беш йил ҳисобига белгиланади, бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.

#### **1. Ишлаб чиқариш кўринишидаги бошқа харажатлар.**

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари – бандларда келтирилган харажатлар элементлари бўйича ажратилади.

1. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари.

2. Ишлаб чиқаришни хомашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари.
3. Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукамал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача, мукамал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.
4. Зарурат бўлганда, айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рўйхати билан мукамал тузатиш ишларини ўтказиш учун маблағлар захирасини такшил қилишлари мумкин. Ушбу захирага ажратмалар «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объекти мукамал тузатишларнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Захирага ажратмалар меъёри ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарурат бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар мукамал тузатишга захира маблағлари суммаси ушбу объектни тузатишга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш киритилиши керак, агар ҳақиқий харажатлар ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади.
5. Ёнгиндан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа махсус талабларини таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари.

Юқоридагилардан ташқари кўриқлаш харажатлари бундай кўриқлаш мавжуд бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилиши мумкин.

1. Ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар.
2. Табиатни маҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, шу жумладан, ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча атроф-муҳитга чиқарганлик учун тўловлар.
3. Ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари.
4. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни сақлаш тадбирлари.
5. Текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига бериладиган озиқ-овқатлар қиймати, хўжалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси).
6. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан, формали кийим-бош, махсус овқатлар ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси).

7. Ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.
8. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўрикдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш.
9. Ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича меъёрлар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар.
10. Ишлаб чиқариш ишчиларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари.
11. Брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар.
12. Ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра, бекор туришлар туфайли йўқотишлар.
13. Кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари.
14. Маҳсулот (хизматлар)ни мажбурий сертификация қилиш харажатлари.
15. Ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар.
16. Умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

1. Қишлоқ хўжалигида давр харажатлари ҳам амалга оширилади. Улар маҳсулотларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлмай, балки хўжаликнинг соҳалари бўйича ташкил этиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлардан иборатдир.

Бу харажатлар ҳам мақсад вазифаларига кўра, қуйидагича туркумлаштирилади:

- етиштирилган маҳсулотларни сотиш, хизматларни кўрсатиш учун қилинадиган қуйидаги харажатлар: маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар;
- маъмурий харажатлар, уларга тармокни, корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, жумладан, бошқарув тизимларининг фаолияти, бошқарув соҳасидаги воситалар билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- бошқа операцион харажатлар, жумладан, кадрлар тайёрлаш, лойиҳаларни тузиш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ харажатлар;
- ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар.

2. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Уларга барча турдаги кредитлар бўйича, мол-мулкнинг ижара ҳақи тўловлари ҳамда қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш, тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

3. Фавқулудда юз берадиган ҳодиса, воқеаларни қоплаш билан боғлиқ бўлган харажатлар. Уларга корхоналарнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар киради. Масалан, ер қимирлаши, тинчликка ҳавф солувчи ҳаракатларни маълум миқдорда қоплаш харажати. Чунки улар асосан давлат ва маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

Қишлоқ хўжалигида сарфланган харажатлар ўсиши билан етиштирилган маҳсулотлар таннархларининг ўсиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Агар жами ишлаб чиқариш харажатлари 1997-2001 йилларда 4,5 мартага ошган бўлса, дон маҳсулотлари, пахта хомашёси, сабзавот, полиз маҳсулотларининг таннархлари 4-4,5 марта ортган. Булар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг асосий қисмини ташкил қилади. Лекин айрим

чорвачилик маҳсулотлари бўйича таннарх юқори суръатлар билан ўсган. Жумладан, 1 цен. сутнинг таннархи 5,6 марта, тирик вазнидаги шунча гўштники 10,3 мартага, жунники эса 7,2 мартага ошган. Бу қилинган қўшимча харажатлар доим ҳам самарали бўлмаганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўмни оқилона, мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳаракат қилиш, яъни материал, пул ҳамда меҳнат харажатларини тежашга, шу орқали етиштириладиган маҳсулотларнинг, бажариладиган иш ва хизматларнинг таннархларини пасайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун:

- деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тадбиркорлик билан оқилона, самарали фойдаланиб, барча ишларнинг вақтида, сифатли бажарилишини таъминлашга;
- экинларнинг тезпишар, самарали навларини, уруғчиликни, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини ҳаётга иложи борича кўпроқ татбиқ этишни таъминлашга;
- харажатларни тежайдиган янги техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаштирилганлик, автоматлаштирилганлик даражасини ошириб, жонли меҳнат сарфини қисқартиришга;
- ирригация, мелиорация ва химизация билан боғлиқ бўлган масалаларнинг сифатли ва самарали ҳал бўлишини таъминлашга;
- меҳнатни ташкил этишнинг самарали шакллари ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга;
- экинлар ҳосилдорлигини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлигини оширишга эришиш лозим.

Қишлоқ хўжалигини оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш негизида ривожлантириш ҳамда самарадорлигини юксалтириш учун маълум миқдорда моддий, маблағ ва меҳнат сарфлар талаб этилади. Улар ёрдамида ишлар, хизматлар бажарилиб, турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади. Бундай сарфлар доимий ва ўзгарувчан харажатлардан иборат бўлади. Харажатлар иқтисодий элементлар, маҳсулот етиштириш технологик жараёнлари, муддатлари ва бошқа мақсадларга кўра туркумлаштирилади. Улар ялпи ва ўртача харажатлардан ташкил топади. Сўнгги йилларда ялпи ва ўртача харажатлар суммаси (миқдори) йил сайин ошиб бормоқда. Улар таркибида, айниқса, моддий-техника ресурсларига йўналтириладиган харажатларнинг салмоғи улкан.

Ялпи ва ўртача харажатлар миқдорини камайтириш мақсадида тармоқдаги барча жараёнларни механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида экинлар ҳосилдорлигини, чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ошириб, маҳсулотлар сифатини яхшилашга эришиш лозим.

Биз қуйидаги жадваллар орқали вилоят қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг таҳлили билан танишиб чиқамиз.

### **III-боб. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни камайтиришнинг асосий йўналишлари**

#### **3.1. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг таннархни камайтиришда тутган ўрни**

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, иш ва хизматларни бажариш учун қилинаётган барча харажатлар иқтисодий мазмунга, мақсадга, ҳисобот объектига ҳамда шаклланиш манбаларига кўра, қуйидаги элементларга ва моддаларга гуруҳлаштирилган маҳсулот етиштириш, ишларни, хизматларни бажариш билан боғлиқ харажатлар;

- давр харажатлари;
- молиявий фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- фавқулодда қилинадиган харажатлар (фойда, зарарлар).

Иқтисодий моҳиятига кўра, бир хил харажатлар харажат элементларини, бир нечта харажат элементлари харажат моддаларини ташкил этади. Демак, харажат моддалари харажат элементларига нисбатан кенгроқдир.

Амалга оширилаётган ва оширилиши лозим бўлган харажатларни иқтисодий элементлар бўйича гуруҳлаштириш натижасида меҳнат харажатлари учун берилган иш ҳақини ва унинг таркибини, сарфланган моддий (материал) харажат, турли мақсадларга сарфланган пул харажатлари (объектлари бўйича) суммасини аниқлаб, уларни чуқур таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Сарфланаётган харажатларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг қанчаси маҳсулот етиштиришга оид технологик жараёнлар бўйича сарфланганлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундан мақсад – фан-техника, технология янгиликларини ишлаб чиқаришнинг у ёки бу жараёнига татбиқ этиш натижасида харажатларни тежаш имкониятини аниқлашдир. Шунинг учун ҳам харажатларни маҳсулот етиштириш технологик жараёнлари бўйича ҳам туркумлаштириш мумкин.

Харажатларнинг бундай тартибда туркумлаштирилиши уларнинг ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш даврлари бўйича қилинадиган миқдорини, қийматини аниқлаш имкониятини яратади. Шунга асосланган ҳолда уларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш маблағлар билан таъминланиш масалалари ҳам ҳал этилишини тақозо қилади.

Қишлоқ хўжалигида харажатларни сарфлашдан яна бир мақсад–етиштирилаётган бир бирликдаги маҳсулот, бажарилаётган ишлар, хизматлар учун ўртача қанча харажат қилинганлигини ҳам аниқлашдир, яъни уларнинг таннархларини билишдир. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархи даражаси уларнинг фойдали ёки зарарлилиги бўйича аниқланади. Шунинг учун харажатлар ҳар бир таннарх объекти бўйича тўғри олиб борилишини таъминлаш лозим. Бунинг учун сарфланаётган харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш даврларига қараб кўшилиши бўйича туркумлаштирилади.

Қишлоқ хўжалигида харажат маҳсулот етиштириш жараёнида бевосита ҳамда билвосита сарфланадиган харажатларга ҳам туркумлаштирилади. Бевосита (тўғри) харажатлар маҳсулотларни етиштиришда бевосита қатнашади ва улар маҳсулот ҳажмига, сифатига тўғри таъсир кўрсатмайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда (ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда) бевосита қатнашадиган харажатларга қуйидагилар киритилмоқда:

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар, улар иқтисодий мазмунига кўра, қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;

асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуйидагилар тегишли:

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматларни кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган, четдан сотиб олинadиган хомашё ва материаллар;

нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган, харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментар, мосламалар, инвентар, приборлар лаборатория асбоб-ускуналари ва асосий фондларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг эскириши, махсус кийим-бош ва арзонбаҳоли бошқа ашёларнинг эскириши;

сотиб олинadиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектларида монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган, фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш ҳарактерига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хомашё ва материалларга ишлов бериш, истеъмол қилинаётган ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади. Хўжалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, инструментлар, деталлар, товарлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан қуйи бўғинларга, яъни цехга ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматларга тегишли:

- табиий хомашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтга ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинadиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун ёғоч, тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари;

- технологик мақсадларга энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинadиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг траспорти томонидан бажариладиган, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича траспорт ишлари;

- хўжалик юритувчи субъектнинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия (хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияга ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол

жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади);

- ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқотиш меъёрлари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроксизланиши ва кам чиқиши;

- хўжалик юритувчи субъектнинг траспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага киради) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар);

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматида киритилади;

- махсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати. Улар амалдаги сотилиши, фойдаланилиши ёки оморга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади;

- «моддий харажатлар» элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, бартер битишувларида, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига куйидаги моддалар киритилади:

хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкаларига ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган, амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган, ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларига устамалар; иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар;

технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

кун, сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарлик, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар.

алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль траспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақи, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган, қайтишгача тўланадиган, йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан, район коэффицентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффицентлар билан белгиланган тўловлар;

хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктдан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек, метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);

иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишлаган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;

ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йили) ва қўшимча таътиллار, навбатдаги (ҳар йили) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллار учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда ҳақ тўлаш;

донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқаларда қатнашганлик учун) меҳнат ҳақи тўлаш;

хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса, пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради;

белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Ижтимоий суғурта ажратмаларига қуйидагилар киради:

қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар;

нодавлат пенсия жамғарларига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар;

асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш). лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар, қонун ҳужжатларида амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради;

ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли

бўлади, фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш меъёри беш йил ҳисобига белгиланади, бироқ хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.

*Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.*

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари – бандларда келтирилган харажатлар элементлари бўйича ажратилади.

Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари.

Ишлаб чиқаришни хомашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукамал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача, мукамал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.

Зарурат бўлганда, айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рўйхати билан мукамал тузатиш ишларини ўтказиш учун маблағлар захирасини такшил қилишлари мумкин. Ушбу захирага ажратмалар «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объекти мукамал тузатишларнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Захирага ажратмалар меъёри ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарурат бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар мукамал тузатишга захира маблағлари суммаси ушбу объектни тузатишга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш киритилиши керак, агар ҳақиқий харажатлар ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади.

Ёнғиндан сақлаш ва кўриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа махсус талабларини таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари.

Юқоридагилардан ташқари кўриқлаш харажатлари бундай кўриқлаш мавжуд бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар.

Табиатни маҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, шу жумладан, ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча атроф-муҳитга чиқарганлик учун тўловлар.

Ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари.

Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни сақлаш тадбирлари.

Текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига бериладиган озиқ-овқатлар қиймати, хўжалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси).

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан, формали кийим-бош, махсус

овқатлар ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси).

Ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўрикдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш.

Ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича меъёрлар доирасида ва улардан ортикча харажатлар.

Ишлаб чиқариш ишчиларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари.

Брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар.

Ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра, бекор туришлар туфайли йўқотишлар.

Кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари.

Маҳсулот (хизматлар)ни мажбурий сертификация қилиш харажатлари.

Ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар.

Умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

1. Қишлоқ хўжалигида давр харажатлари ҳам амалга оширилади. Улар маҳсулотларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлмай, балки хўжаликнинг соҳалари бўйича ташкил этиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлардан иборатдир.

Бу харажатлар ҳам мақсад вазифаларига кўра, қуйидагича туркумлаштирилади:

етиштирилган маҳсулотларни сотиш, хизматларни кўрсатиш учун қилинадиган қуйидаги харажатлар: маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар;

маъмурий харажатлар, уларга тармоқни, корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, жумладан, бошқарув тизимларининг фаолияти, бошқарув соҳасидаги воситалар билан боғлиқ бўлган харажатлар;

бошқа операцион харажатлар, жумладан, кадрлар тайёрлаш, лойиҳаларни тузиш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ харажатлар;

ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар.

2. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Уларга барча турдаги кредитлар бўйича, мол-мулкнинг ижара ҳақи тўловлари ҳамда қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш, тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

3. Фавқулодда юз берадиган ҳодиса, воқеаларни қоплаш билан боғлиқ бўлган харажатлар. Уларга корхоналарнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар киради. Масалан, ер кимираши, тинчликка хавф солувчи ҳаракатларни маълум миқдорда қоплаш харажати. Чунки улар асосан давлат ва маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

### **3.2. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификациялашнинг харажатларни камайтириш ва инқирозни бартараф этишга таъсири**

Жаҳон молиявий - иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 – 2012 йилларда Инқирозга қарши Дастур доирасида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Ўзбекистонда молиявий инқирознинг олдини олиш борасида иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди.


Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир (5-расм).

## Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари



Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказиб кўрилди. Жумладан, Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархини 20% га камайтириш бўйича

2008 йил декабрь ойида ўтказилган амалий тажриба орқали

таннархни оптималлаштиришнинг қуйидаги усуллари қўлланилди:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш (-24%);
- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш (-0,06%);
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш (-1%);
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш (-0,05%);
- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш (-2%);
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш (-0,3).

Шунингдек, ҳозирда таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизминини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳар бир сўмни оқилона, мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳаракат қилиш, яъни материал, пул ҳамда меҳнат харажатларини тежашга, шу орқали етиштириладиган маҳсулотларнинг, бажариладиган иш ва хизматларнинг таннархларини пасайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун:

деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тадбиркорлик билан оқилона, самарали фойдаланиб, барча ишларнинг вақтида, сифатли бажарилишини таъминлашга;

экинларнинг тезпишар, самарали навларини, уруғчиликни, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини ҳаётга иложи борича кўпроқ татбиқ этишни таъминлашга;

харажатларни тежайдиган янги техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаштирилганлик, автоматлаштирилганлик даражасини ошириб, жонли меҳнат сарфини қисқартиришга;

ирригация, мелиорация ва химизация билан боғлиқ бўлган масалаларнинг сифатли ва самарали ҳал бўлишини таъминлашга;

меҳнатни ташкил этишнинг самарали шакллари ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга;

экинлар ҳосилдорлигини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлигини оширишга эришиш лозим.

### **3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда маҳсулот сифати ва тежамкорликни ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни камаййтиришдаги аҳамияти**

Бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топиши шароитида бозорда харидор сифатида иштирок қилувчи субъект эркин бозордаги каби бўладиган муносабатни ўзида ифодалайди. Савдо жараёнида талаб ва таклифнинг бозор тенглиги моделини ва вақтинчалик омиллар таъсирида уни ўзгаришини қарайдиган бўлсак, у ҳолда шу нарсани таъкидлаймизки, истеъмолчининг ҳатти - ҳаракатини ифодалаовчи асос бўлиб, маҳсулот сифат ҳисобланади.

Маҳсулот сифати асосий мезонлардан бири бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчилар томонидан тан олиниши ҳолатини белгиловчи шартларидан бири саналади. Бозордаги талабнинг хусусиятлари шундаки, маҳсулот сифатининг пасайиши билан унинг миқдори ёки ҳажмини ортиши кузатилади. Маҳсулотнинг сифати ва талаб миқдори ўртасида ўзаро алоқа мавжуд бўлиб, энг аввало харидор учун нарх ўзига хос бўлган тўсиқдир. Ваҳоланки, товар қийматини юқори бўлиши, уни шунчалик кам сотилишини таъминлайди. Бошқа жиҳатдан, нархнинг пасайиши товарнинг кўпчилик харидор учун харид қилинишини таъминлайди, сотилаётган товарлар сифатини ортиши ва ҳажмини кўпайиши билан харидорлар сони ҳам ортиб боради.

Маҳсулот сифати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида маълум бир давр орлиғида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан сотиш учун тақдим қилинган маҳсулот миқдорига бевосита таъсир кўрсатади. Сифат нарх-наво билан таклиф қилинаётган маҳсулотлар ўртасидаги боғлиқликни билдириб, нархнинг пасайиши билан таклиф миқдори ортади, ва унинг тескараси содир бўлади, ва бу жараён биринчи навбатда, маҳсулотсифатини талабга жавоб билан белгиланади.

Сифат ва талаб функциясидан фойдаланиш асосида нархларни оптималлаштириш, минтақавий иқтисодиётининг муҳим босқичи ҳисобланади. Унинг барча босқичларида талабнинг қисқа моделдан фойдаланилади ва унинг моҳияти шунда намоён бўладики, бозорда битта товар мавжуд ва унинг бозор нархи ўзгариб туради. Агар харидор етарли маблағга эга бўлса, у товарни харид қилади, акс ҳолда товарни харид қилишдан сақланади. Амалиётда одатда товарларнинг ассортимент қаторидан фойдаланилади. Ассортимент қаторларнинг турлича бўлиши, товарнинг сифати ва нархнинг даражаси бўйича ажралиб туради. Шунинг ҳисобига ассортимент қаторлари истеъмолчининг барча эҳтиёжларини тўлиқ қоплаб олиш имкониятини яратади. Бу шароитда талаб функцияси бошқа тарзда намоён бўлади. Пулнинг етишмаслиги туфайли сифатли гўшт маҳсулоти ўрнига, сифати паст бўлган гўшт маҳсулоти ёки бошқа маҳсулот харид қилиниши мумкин.

Нарх - навонинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган талабнинг эластиклик даражаси талаб эластиклигининг нарх коэффициентини ўзида ифодалайди ва у талаб миқдорининг фоизли ўзгариши нисбатини нархнинг фоизли ўзгаришига нисбати каби аниқланади. Масалан, нарх -навони 2 фоизга ортиши, талабни 10 фоизга камайиши талабнинг эластиклик коэффициентини - 5 га тенглаштиради. Бу ерда манфий белги нарх билан талаб ўртасида тескари боғланиш борлигидан далолат беради. Бу коэффициент, одатда, ҳар доим ҳам манфий миқдорга эга бўлмайди. Амалий жиҳатдан нархнинг камайиши сотиш ҳажмини шу даражага кўпайтириши мумкинки, маҳсулотни кам нархда сотиш туфайли харажатлар қопланиши мумкин, у ҳолда талаб эластикли деб ҳисобланади, ва аксинча ноэластик ҳолат юзага келади. Агар нарх-навонинг ўзгариши талабга ҳам, таклифга ҳам таъсир кўрсатмаса, бундай ҳолатда бозор муносабатларини содир бўлиши кутилмайди. Шундай қилиб, эластик талаб шароитида маҳсулотларни сотишдан келган даромад, айрим ҳолларда маълум чегараларда бу маҳсулотларга нархнинг камайиши туфайли кўпайиши мумкин.

Талаб қуйидаги шароитларда кам эластикликка эга:

-Маълум бир маҳсулотни бошқа бир маҳсулот билан алмаштириш имкони умуман йўқ, ёки рақобатчилар йўқ.

-харидорлар нарх-навони ошганлигини сезмай қоладилар.

-харидорлар харид қилишдаги одатларини секин ўзгартирадилар. Бозордаги сотувчилар бошқа товарларни топиш учун кескин ҳаракат қилмайдилар.

-харидорлар нарх-навони ортишини товар сифатини кўтарилиши, инфляция ва бошқаларга боғлиқ деб ҳисоблашади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда такомиллашган бозордаги каби ҳислат бўлиб, бу ерда тенглашган нарх сотувчининг ва харидорнинг тенглик асосида амалга ошириладиган савдоси натижасида ўрнатилади. Шу билан бир вақтда, амалиётда, ҳар қандай олди - сотди жараёни якка индивидларга маълум бир даражадаги самара олиш имконияти билан белгиланади.

Қашқадарё вилоятида кичик тадбиркорлик корхоналарининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2006 йилда 39,5 фоизни ташкил қилиб, 2010 йил бу кўрсаткич 57,1фоизни ташкил қилган. Жаҳон мамлакатларида ушбу кўрсаткич 55-60 фозни ташкил қилиб, мамлакатимизда 2012йилгача 60 фозга етказиш марра қилинган. Кичик тадбиркорлик корхоналари ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ялпи ҳудудий маҳсулотда 2011 йил 35,6 фозни ташкил қилган, якка тартибдаги корхоналарда 11,6 фоизни, деҳқон хўжаликларида 11,3 фозни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичнинг ошиб бориши вилоятнинг ривожланишида кичик тадбиркорликнинг урни катта эканлигини билдиради ва уларга янада кўпроқ имконият яратиш заруриятини келтириб чиқаради. Вилоятда кўпчилик аҳоли қишлоқда яшashi ва шаҳарда ортиқча ишчи кучини жойлаштириш имконияти бўлмаганлиги сабабли тадбиркорликни ривожлантириш йуналишларини кўпроқ қишлоқ хўжалигида қўллаш яхши самара беради.

Сифат ва талаб функциясидан фойдаланган ҳолда нарх-навони оптималлаштириш бозор иқтисодиёти тамойилларининг муҳим талабларидар биридир. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, субъектлар одатда, худди битта товар мавжуд ва фақат унинг нархи ҳақида мулоҳаза бўлиши мумкин деган талабнинг тор моделидан фойдаланадилар. Агар харидор зарур маблағга эга бўлса, у товарни харид қилиши мумкин, акс ҳолда буни амалга ошира олмайди. Амалиётда эса, қоидага кўра товарларнинг ассортимент қаторидан фойдаланилади. Товарлар ассортимент қаторининг турли элементлари сифати бўйича ҳам, нарх-наво бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шунинг ҳисобига ассортимент қаторларини ҳисобга олиши мумкин. Бу ҳолатда талабнинг функцияси бошқача тарзда намоён бўлади. Пулнинг қамлиги шароитида, масалан макарон маҳсулотларидан маълум турини харид қилиш ўрнига, бошқа арзон турини харид қилиш мумкин.

Кўриниб турибдики, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича нархлар орлиғида етарли даражада фарқлар бўлиб, улар маҳсулот сифати билан бевосита боғлиқ.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг тадбиркорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Қашқадарё вилоятида тадбиркорлик субъектлари сони 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 22 фоизга ошган бўлса, кичик тадбиркорликда банд булган кишилар сони ҳамда янги яратилаётган иш ўринлари ошиб бормоқда. Шунингдек, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши кейинг уч йилда 10 фоизга ошган. Ҳамда сохалар бўйича тадбиркорлик субъектлари улуши ортиб бормоқда.

## 3.3.1-жадвал

## Қашқадарё вилоятида тадбиркорлик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари.

т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	Ўсиш суръати, %
1	Кичик корхоналари сони	бирлик	39942	44469	48896	122,4
2	Фаолият курсатаётган кичик корхоналар сони	бирлик	38706	43271	45015	116,3
3	Янги ташкил этилаётган кичик бизнес субъектлари ҳисобига яратилган иш уринлари	иш урни	25456	26458	27892	109,6
4	Кичик корхоналарнинг улуши:					
5	Ялпи маҳсулотда	%	55	56,2	52,4	х
6	шу жумладан, дехкон хужалиқларисиз	%	18,7	18,9	<b>32,1</b>	х
7	Иқтисодиётда бандликда	%	74,8	75,1	77,1	х
8	Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда	%	19	19,2	20,1	х
9	Қишлоқ хужалиғи маҳсулоти ишлаб чиқаришда	%	99,7	99,8	99,7	х
10	Қурилиш ишлари ҳажмида	%	56,6	57,9	60,1	х
11	Чакана савдо айланмасида	%	43,2	44,4	46,3	х
12	Экспортда	%	38,5	38,4	38,5	х

Бизга маълумки, 1995 йилдан бошлаб истеъмол маҳсулотларига нарх-навони кўтарилиб бориши кузатилган. Бунинг асосий сабабларидан бири, ўтиш иқтисодиётида содир бўладиган инфляция жараёнларини объектив мавжудлигидир. Шунинг ҳисобга олиб, Ўзбекистонда кейинги йилларда бир-неча марта аҳолини иш ҳақлари оширилди ва уларнинг пул даромадларида ўзгаришлар содир бўлди. Лекин шунга қарамасдан, қишлоқ аҳолисининг маълум бир қисми, хусусан, шаҳар аҳолиси ҳам ўзларининг моддий эҳтиёжларини асосан савдо шахобчалари орқали қондириш учун ҳаракат қилиши нарх-навони юқори бўлишини тақозо этмоқда.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мен ушбу битирув малакавий ишимнинг объекти сифатида танланган Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармасининг 2009-2011 йиллардаги кўрсаткичларини “Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни камайтириш йўллари” мавзуси бўйича таҳлил қилдим.

Битирув малакавий ишини бажаришда қуйидаги **илмий хулосалар** ишлаб чиқаришга тавсия этилди:

- деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тадбиркорлик билан оқилона, самарали фойдаланиб, барча ишларнинг вақтида, сифатли бажарилишини таъминлашга эришиш;
- экинларнинг тезпишар, самарали навларини, уруғчиликни, чорва молларининг маҳсулдор зотларини келтирилишини таъминлаш;
- харажатларни тежайдиган янги техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаштирганлик, автоматлаштирганлик даражасини ошириб, жонли меҳнат сарфини қисқартириш;
- ирригация, мелиорация ва химизация билан боғлиқ бўлган масалаларнинг сифатли ва самарали ҳал бўлишини таъминлаш;
- меҳнатни ташкил этишнинг самарали шаклларини ва рақобатлаштириш тизимини такомиллаштириш;
- ишлаб чиқаришни модернизациялаш орқали харажатларни камайтириш;
- экинлар ҳосилдорлигини, чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишга эришиш лозим.

### **Битирув малакавий ишида қуйидаги таклифларни бермоқчиман:**

1. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ўтиш даврида аграр соҳада бозор муносабатларини такомиллаштириш асосан давлат ва унинг бошқарув тузилмалари томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида маъмурий ва иқтисодий бошқарув усуллари билан оптимал фойдаланиш орқали умумий харажатларни қисқартиришга эришиш.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг давлат тузилмалари билан иқтисодий муносабатлари кўп қиррали бўлиб, уларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, тайёрлов ва қайта ишлаш ташкилотлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлари белгиланган қонун -қоидалар асосида олиб бориш.

3. Деҳқончилик маҳсулотини оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш негизида ривожлантириш ҳамда самарадорлигини юксалтириш учун маълум миқдорда моддий, маблағ ва меҳнат сарфларини ўз вақтида назорат қилиб бориш.

4. Харажатларнинг иқтисодий элементлар, маҳсулотлар етиштириш технологик жараёнлари муддатлари ва бошқа мақсадларга кўра туркумлаштирилишини, ялпи ва ўртача харажатлардан ташкил топишини, моддий-техника ресурсларига йўналтирилаётган харажатларнинг салмоғини меъёр даражасида бўлишини таъминлаш.

5. Ялпи ва ўртача харажатлар миқдорини камайтириш мақсадида тармоқдаги барча жараёнларни механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида экинлар ҳосилдорлигини, чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишга, маҳсулотлар сифатини яхшилашга эришиш .

6. Вилоят қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш учун маҳаллий ўғитлардан кўпроқ фойдаланиш кераклигига риоя қилиш.
7. Ёқилғи- мойлаш материалларидан тежамкорлик билан фойдаланишга, уларни талаб даражасида сақланишига амал қилиш.
8. Қишлоқ хўжалигида модернизациялашнинг энг замонавий воситаларидан таъминланишини ва фойдаланилишини йўлга қуйиш.
9. Қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда пахта, ғалла ва бошқа экин турларининг ҳосилдорлигини оширишга ва ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга эришиш.
10. Вилоят фермер хўжаликларида харажатларни тўғри аниқлаш ва тўғри туркумлини олиб борилишини йўлга қўйиш.
11. Қишлоқ хўжалигида маъмурий харажатни камайтириш орқали бошқариш харажатларини тежашга ва замонавий бошқарув усулларидан фойдаланишга эришиш.
12. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганишга ҳамда амалиётга қўлланилишини амалга ошириш.

Юқоридаги келтирилган барча тадбирларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз томонидан бериладиган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент Фармонлари ва вилоятимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўз вақтида қўллаш, моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш, глобаллашув жараёнининг ижобий томонларини ўзлаштириш натижасида истиқболдаги вазифаларнинг бажарилишига имкон яратиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, инфратузилма таркибини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, сотиш имкониятларини яратиш, экспорт ҳажмини ошириш натижасида Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигининг фаолияти мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутиши билан бир қаторда иқтисодий самарадорлигига ҳамда ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига ва тежалишига эришиш мумкин деб ўйлайман.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**  
**I. Расмий материаллар**  
**1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003 йил.
3. “Мулкчилик тўғрисида” 2003 йил 7 май.
4. “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” 1993 йил 7 май.
5. “Фермер хўжалиги тўғрисида”. (Янги таҳрирда). 2004 йил 26 август.
6. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 1996 йил 24 апрел.
7. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. 2000 йил 25 май.
8. “Хусусий корхоналар тўғрисида” 2003 йил 11 декабр.
9. “Инвестиция фаолияти тўғрисида” 1998 йил 24 декабр.

**1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари ҳамда  
Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари**

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида” ги ПФ-4058 фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2007 йил 31 октябрдаги “2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида” ги 718-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 13 февраль.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 6 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини маҳбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида” ги 3077-сонли фармойиши.
14. “Хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2003 йил 30 август № ПФ-3305-сон фармони.
15. “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. 2003 йил 24 март. ПФ-3226-сон қарори.
16. “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида” 2003 йил 27 октябр. ПФ-3342-сон қарори.
17. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2005 йил 14 июндаги қарори
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида” ги ПФ-4058 фармони.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 6 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини маҳбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида” ги 3077-сонли фармойиши.

### 1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
21. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.// Т.: Ўзбекистон, 2010. – 47 б.
22. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Т.: Ўзбекистон, 2011. – .... б.
18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2010 йил 13-ноябр.
19. Каримов И.А “2012-йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”// “Халқ сўзи” 2012 йил 20 январ
20. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Тошкент Ўзбекистон, 2011 йил

### II. Монографиялар, китоблар, рисоалар, илмий мақолалар ва матбуот нашрлари

21. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик-Т.: Фан, 2005-288 бет.
23. Ахмаджанов Х.И., Хонадон хўжалигининг жамғармалари ва уларнинг инвестицияланиши. // Бозор, пул ва кредит. 2005 № 12.–31.-32 бетлар.
24. Абдуғаниев А. “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент, 2004 й, 304 бет.
25. Айбенов Х., Рахмонов М., “Дехқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш”- Т.: 57 бет. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси -2004 йил 9-10 сони.
26. Айбенов Х. Мамадалиев А. Айбенова А. “Қишлоқ хўжалик иқтисодий ислохотлар талаб даражасида бўлиши” – Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси -2004 йил 4-5-6 сони 18-бет.
27. Абдуллаев Ё. Иброҳимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил. 100 савол ва жавоб- Т.: Меҳнат, 2001-320 бет.
28. Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб Меҳнат, 1997.
29. Баратов М. Мулк – моддий манба. // Иқтисод ва ҳисобот № 10, 35-бет.
30. “Бозор Ислохотларини чуқурлаштириш шароитида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишнинг стратегияси ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами, Қарши, 2009 йил, 263 бет.
31. Бакаева Ш. “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили”. “Ўзбекистон овози” газетаси // 2012 йил 24 март, № 40 (31.472)
32. Вахабов А., Иброҳимов А., Ҳакимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Т.: ТМИ-2003-176 бет.
33. Волкова Н.А. и др. Экономика сельского хозяйства и преработывающих предприятий, М.: “Колос”, 2005 г, 240 с.
34. Жўраев З. “Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Истиқлол”, Тошкент 2004 й, дарслик, 504 б.
35. Зайнутдинов Ш. Социальные проблемы переходного периода. // Экономика и статистика. № 1. 1997 стр. 55.
36. Ибрагимов Р. Худудий тадбиркорлик истиқболлари. // Иқтисод ва ҳисобот, № 3, 57 бет.

37. Ишмухаммедов А., Асқарова М. “Ўзбекистон Миллий Иқтисодиёти”-Т.:2004 й, 154 б. Ўқув қўлланма.
38. Кудратов Ғ.Х. “Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон ғаллачилигидаги иқтисодий муносабатлар”, Монография, Т.: “Иқтисод-молия”, 2006, 250 бет.
39. Кудратов Ғ.Х. “Ўзбекистонда ғаллачиликни ривожлантиришнинг иқтисодий асослари”, Т.: “Иқтисодиёт ва таълим”, 2008, №3, 105-108 бет.
39. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т. “Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш-мамлакатимиз тараққиётининг бош омили”. “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ишлаб чиқариш соҳаларини инновацион ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тўплами. Қарши 2012 йил 8-12 бетлар.
40. Сергеев И.В, Ветеренников И.И. Экономика организаций (предприятий), М.: “Прспект”, 2008 гт, 560 с.
41. Салимов Б., Ҳамдамов Қ., Турсунхўжаев Т., “Ўзбекистон Жаҳон қишлоқ хўжалиги” Тошкент -2004 й, 206 бет, ўқув қўлланма.
42. Тўрахўжаев Т. “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш технологияси” Тошкент, 2004 й, Ўқув қўлланма 153 б.
43. Умирзоқов У.П. ва бошқалар “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти” Дарслик, Тошкент, “Иқтисод-молия”, 2008 й, 268 бет.
44. Умирзоқов У.П. ва бошқалар “Фермер хўжалиги иқтисодиёти”, Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 й, 276 бет.
45. Умаров С., Умирзоқов Ў. “Агросаноат мажмуасига инвестициялар жалб қилиш”, Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси таҳлилий журнали, 2005 йил, 7-8 сони.
46. Файзиева Ш.Ш., Тоштемиров Э.Т. “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда иқтисодий ислохотларнинг аҳамияти”. “Биржа эксперт” журнали, № 2, 2009 йил 11-12 бетлар.
47. Хақимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М. “АСМ иқтисодиёти” Тошкент, 2004 й, 45-51 бет., ўқув қўлланма.
48. Ҳамдамов Қ. “Қишлоқ хўжалик фаолиятини бошқариш” Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент -2004 й, 206 бет, ўқув қўлланма.
49. Эргашев Р.Х “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, Дарслик, Тошкент 2011, 412 бет.
50. Эргашев Р.Х., Шохўжаева З.С., Хамроева С.Н. “Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти”, 1-2 қисм, Қарши, Услубий қўлланма, 2009, 98 бет.

### **III. Интернет маълумотлари**

51. Московская сельскохозяйственная академия. [www.ecfak.timacad.ru](http://www.ecfak.timacad.ru)
52. Саратовская сельскохозяйственная академия. [www.tstu.ru](http://www.tstu.ru)
53. Попов Н.А. «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М.: Тандем, 2005, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
54. Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2005, <http://shopper.hl.ru/books.shtml?topicк935&pageк1>
55. Коваленко Н.Я., Экономика сельского хозяйства, М.: “ЮРКНИГА”, 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
56. [www.tdiu-makro.narod.ru](http://www.tdiu-makro.narod.ru),
57. [www.agrobusiness.ru](http://www.agrobusiness.ru)
58. [www.kubagro.ru](http://www.kubagro.ru)
59. [ukragroconsult.net](http://ukragroconsult.net)

### **IV. Ҳисобот ва маълумотлар**

60. Ўзбекистон Республикасининг 2009-2010-2011 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Т.: 2011
61. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармасининг маълумотлари. 2009-2011 йй.
62. Қашқадарё вилояти Статистика бошқармасининг маълумотлари. 2009-2011 йй.



## Иловалар

**Вилоятда 2010 йил январ-декабр ойларида Кишлоқ хужалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини кенгайтириш, техник  
Вилоятда 2010 йил январ-декабр ойларида Кишлоқ хужалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини кенгайтириш,**

**Маълумот**

№	Корхона номи	Тулик манзили	Урнатилган технология номи	Олиб келинган технологиянинг киймати (млн.сум)	янги технология урнатиш мақсади а) модернизация б) реконструкция)	Ишлаб чиқарадиган маҳсулот номи	улчов бирлиги	Маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати (бир йилда)	
								янги технология урнатилгунча	янги технология урнатилгандан кейин
	<b>Вилоят буйича</b>			<b>957,8</b>					
1	"Фауна Класс" МЧЖ	Гузор тумани	Сутни қайта ишлаш цехи (қаймоқдан ёғ ажратиб олиш)	4,8	модернизация	Сутни қайта ишлаш (қаймоқдан ёғ ажратиб олиш)	тонна	100	120
2	"Ал-Ҳамид Оригинал" хусусий корхонаси	Косон тумани	Фрезер ва сут филтри	45	Реконструкция	Музкаймоқ	тонна	16	25
3	"Сардор-сут харид" МЧЖ	Косон тумани	Сутни қайта ишлаш технологияси	20	Реконструкция	Сутни қайта ишлаш	тонна	15	20

4	Навруз ТТ бирлашмаси	Косон тумани	Сувни кадоклаш ускунаси	100	кенгайтириш	Сув кадоклаш	минг литр	10	20
5	Делфин и/ч корхонаси	Косон тумани	Фрезер ва сут филтри	350	кенгайтириш	Музкаймок	тонна	30	68
6	"Ал-Сарвар ЭКО консерва" хусусий корхонаси	Китоб тумани	Томат пастаси и/ч линияси	120	Модернизация	томат пастаси	тонна	300	1000
7	"Севаз-Андроникс" МЧЖ	Китоб тумани	Мева шарбати кадоклаш линияси	150	Модернизация	Мева шарбати	тонна	0	600
8	"EAST AGRO INTERNATIONAL" МЧЖ	Шахрисабз тумани	Мева-сабзавот махсулотларини қайта ишлаш линияси	10	модернизация	томат пастаси	тонна	1500	1550
9	"Хирот йуллари" фирмаси	Шахрисабз тумани	Сутни қайта ишлаш учун ускуналар	11	модернизация	Сут махсулотлари	тонна	150	155
10	"Амиркулов Сарвар Саидович" хусусий корхонаси	Шахрисабз тумани	Сутни қайта ишлаш учун ускуналар	55	модернизация	Сут махсулотлари	тонна	120	156

11	"Хайдаров Илхом Каюмович" хусусий корхонаси	Шахрисабз тумани	Сутни кайта ишлаш учун ускуналар	20	модернизация	Сут махсулотлари	тонна	80	96
12	"Мевалар камалаги" МЧЖ	Шахрисабз тумани	мевани кайта ишлаш ускунаси	50	модернизация	мевани кайта ишлаш	тонна	3500	3750
13	"Бердиев Сарвар Баходирович" корхонаси	Шахрисабз тумани	Сутни кайта ишлаш учун ускуналар	22	модернизация	Сут махсулотлари	тонна	66	96





















**Вилоятда 2011 йил январ-декабр ойларида Кишлоқ хужалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қо**  
**Маълумотлари**

№	Қорхона номи	Тулик манзили	Урнатилган технология номи	Олиб келинган технологиянинг қиймати (млн.сум)	янги технология урнатиш мақсади а) модернизация б) реконструкция)	Ишлаб чиқарадиган маҳсулот номи	улчов бирлиги	М
								тех урн:
	<b>Вилоят буйича</b>			<b>632</b>				
1	"Ғайрат" х/қ	Қосон тумани	Сутни қайта ишлаш ускунаси	50	модернизация	Сутни қайта ишлаш	тонна	
2	"Агротехсервис" хф	Қитоб тумани	мева қайта ишлаш ускунаси	95	модернизация	мева консервалари	тонна	
3	"Қурбонобод маъданли суви" хф	Қитоб тумани	Сутни қайта ишлаш ускунаси	50	Қенгайтириш	бринза, кефир	млн сум	
4	"Ѓузалсавдосервис" МЧЖ	Қитоб тумани	мева қайта ишлаш ускунаси	150	модернизация	мева консервалари	тонна	
5	"Севаз Андроникс" МЧЖ	Қитоб тумани	мева қайта ишлаш ускунаси	100	модернизация	мева консервалари	тонна	
6	"Само" МЧЖ	Яккабоғ тумани	Сутни қайта ишлаш ускунаси	25	модернизация	Сутни қайта ишлаш	тонна	